

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2024 йил январь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг раиси А.Омонов, судья ёрдамчиси Ж.Рустамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Учкўприк туман прокурори ёрдамчиси А.Эргашев, судланувчи Т.Мирзаев, А.Актамов уларнинг ҳимоячиси адвокат А.Муллабаев, судланувчи С.Холматов унинг ҳимоячиси адвокат А.Қодиркуловларнинг иштирокида, Мирзаев Телманжон Актамович, Актамов Авазбек Телманжон ўғли, Холматов Собиржон Зокиржон ўғлига оид №1-1518-2301/422-сонли жиноят ишини кўриб чикди,

Иш ҳужжатларга кўра:

Мирзаев Телманжон Актамович (Mirzayev Telmanjon Aktamovich), 1977 йил 14 июнь куни Учкўприк туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, нафақада, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, Учкўприк тумани, Сарикўрғон мфй, Сарикўрғон қишлоғи, Оқсув кўчаси, 49-уйда яшайди, иш бўйича тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 20 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбланган.

Актамов Авазбек Телманжон ўғли (Aktamov Avazbek Telmanjon o'g'li), 2003 йил 13 апрель куни Учкўприк туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, ишламайди, уйланмаган, судланмаган, Учкўприк тумани, Сарикўрғон мфй, Сарикўрғон қишлоғи, Оқсув кўчаси 49-уйда яшайди, иш бўйича тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 20 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбланган.

Холматов Соибржон Зокиржон ўғли (Holmatov Sobirjon Zokirjon o'g'li), 1998 йил 16 август куни Учкўприк туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, ишламайди, уйланмаган, судланмаган, Учкўприк тумани, Сарикўрғон мфй, Сарикўрғон қишлоғи, Дўстлик кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 20 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Т.Мирзаев ўғли А.Актамов (ўғли И.Актамжонов, укаси Э.Мирзаев қисми ҳаракатдан тугатилган) билан бир гуруҳ бўлиб, судланувчи С.Холматов (укаси Қ.Холматов қисми ҳаракатдан тугатилган) билан бир гуруҳ бўлгани ҳолда 2023 йил 6 август куни соат 14:30да Учкўприк тумани, Сарикўрғон мфй, Сарикўрғон қишлоғи ҳудудида жойлашган ошхонада С.Холматов билан ўғли Т.Актамовни урганлиги юзасидан жанжаллашиб, жанжал давомида Т.Мирзаев, А.Актамов, И.Актамжонов, Э.Мирзаевлар билан С.Холматовни уриб унга ўртача тан жароҳати, С.Холматов, Қ.Холматов билан А.Акрамовни уриб унга ўртача оғир тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 10 август куни №1815-сонли хулосасига кўра, С.Холматовда ўнг оёқ кафтини 1-бармоғи, юқори лаб, пешона сохаларида эзилиб-йиртилган яралари ва ярани иккиламчи ифлосланиши, ўнг кўзини пастки қовоғи, юқори лаб сохалари юмшоқ тўқималарини лат ейиши, қонталаши ва лаб шиллиқ қавати остига қон қуйилиши каби тан жароҳатлар мавжуд бўлиб, бу тан жароҳатлар йигирма бир кундан кўп аммо тўрт ойдан ортиқ бўлмаган муддатга соғлиғини бузилишига олиб келган ўртача оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 17 август куни №5464-сонли хулосасига кўра, А.Актамовда ўнг қўл 3-бармоқ дистал фаланга ва кафт суяги бўғими медиал юзасидан ёпиқ синиши, ўнг қўл кафт орқа юзасида шилинмалари, чап тирсак бўғими олд юзасида тирналмаси каби тан жароҳатлар мавжуд бўлиб, бу тан жароҳатлар йигирма бир кундан кўп аммо тўрт ойдан ортиқ бўлмаган муддатга соғлиғини бузилишига олиб келган ўртача оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Судланувчи Т.Мирзаев судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2023 йил 6 август куни соат 12:30ларда ўғли Т.Актамов унга С.Холматов урганлиги айтиб қўнғироқ қилганида турмуш ўртоғи З.Мирзаева билан ўғлини олдига боргани, у ерда С.Холматов ва ундан ташқари 2 киши турган бўлгани, С.Холматовдан нима сабабдан ўғлини урганлиги сўраганида бирдан С.Холматов уни қўли билан уриб юборганида йиқилиб тушгани, уларни ажратиш мақсадида катта ўғли И.Актамжонов ва укаси Э.Мирзаев С.Холматовни тортганида боғ пастига тушиб кетгани, унинг орқасидан пастга тушишгани, шунда С.Холматовни таёқ билан ургани, шундан сўнг, жанжал тугаб, у оила аъзолари билан уйга кетгани, орадан яна бироз вақт ўтгандан сўнг, ўғли Т.Актамов унга қўнғироқ қилиб, С.Холматов шериклари билан кўпчилик бўлиб, уларни ураётганлигини айтганида ўғлини олдига борганида С.Холматов унга тош отгани, кейин С.Холматов акаси Қ.Холматов, амакисини ўғли Бобурлар “Дамас” мшинасига ўтириб кетгани, кейин у ҳам ўғиллари И.Актамжонов ва А.Актамовларни олиб уйга кетгани, ўғли Т.Актамов ҳам шу вақти ўртоғиникига яшириниб олган бўлгани, у ҳам чиқиб уйга келгани, ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, С.Холматовдан кечирим сўрагани, ўзаро ярашиб олишгани, унга нисбатан енгиллик берилишини сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи А.Актамов судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2023 йил 6 август куни ишлари билан юриб, соат 15:00 ларда уйга келгани, у акаси И.Актамжонов ва укаси Т.Актамовлар билан бирга боққа сув олиш мақсадида боришгани, маҳалла бошидаги чорраҳага сомсахона олдига етганда С.Холматов, Қ.Холматов, Бобур ва яна бир киши “Дамас” русусмли машинада уларга қарама-қарши йўналишдан



келиб, машинасини қисиб тўхтатишгани, шунда ҳам, тўхтамасдан, акаси И.Актамов машинани олдинга ҳаракатлантирмоқчи бўлгани, Қ.Холматов ҳам машинани йўлига ҳайдаб, ўтиш имконияти бўлмайдиган қилиб йўлини ёпиб қўйгани, шу вақт С.Холматов “Дамас”нинг олд йўловчи ўриндигидан қўлида учида темири бўлган қора рангли шланг билан тушиб келиб, улар ўтирган машинанинг олд ойнасининг ўртасига икки маротаба ургани, кейин машинадан у биринчи бўлиб тушиб, машинани орқа томонидан айланиб улар томонга ўтгани, кейин Қ.Холматов билан С.Холматов у томонга ташланиб, Қ.Холматов “Ушла, ушла урамиз”-деб айтгани, сўнг Қ.Холматов югуриб келиб, бўйнидан бўғиб олгани, шу вақтда С.Холматов уни олдига югуриб келиб, қўлидаги учида темири бўлган қора рангли шланг билан уни уриб кетгани, шу вақт дадаси ва онаси келаётганида, уларга қарата тош отгани, С.Холматов онасини бир маротаба урганидан кейин орқасига қайтиб, машинасига ўтиргани, шунда у ҳам Қ.Холматов ва С.Холматовларни бир неча маротаба ургани, шу билан жанжал тугаб, С.Холматовлар ўз машиналарида кетишгани, ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчидан кечирим сўрагани, унга нисбатан энгиллик берилишини сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи С.Холматов судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2023 йил 6 август куни соат 14:00ларга тушлик қилиш мақсадида Фарғона-Бешариқ йўли четидаги чойхонасига шериги Абдуҳаким билан бирга боргани, борган вақтида чойхонада З.Мирзаевани ўғли жияни Т.Актамов ўша ерда бўлгани, у билан ўзаро гаплашиб туриб, жанжаллашиб кетишгани, кейин уни жаҳли чиқиб, қўлида бўлган 1.5 литрлик “Пепси” баклажкани унга қараб улоқтиргани, кейин Т.Актамов йиғлаб, дадасига телефон қилгани, дадасига кўнғироқ қилгани, кейин Т.Актамовнинг акаси И.Актамов, дадаси Т.Мирзаев, укаси Э.Мирзаев, А.Актамов ва онаси З.Мирзаевлар келиб уни уриб кетишгани, шу вақтида, биринчи бўлиб, Т.Мирзаев келиб, чап қўлидаги тоши билан ўнг чаккасига бир маротаба ургани, кейин унинг ёнидаги укаси Э.Мирзаев уни ёнига ўнг томонидан яқинлашиб келиб, ўнг қўли билан уни жағига бир марта ургани, шундан кейин, у мувозанатини йўқотиб, ерга йиқилгани, шу йиқилган ҳолатида А.Актамов уни ўнг оёғи бош бармоғига қўлидаги узунлиги бир метрча бўлган таёқ билан ургани, улар ҳаммаси Э.Мирзаев, Т.Мирзаев, И.Актамов, А.Актамов, Т.Актамов, З.Мирзаевлар тош отишгани, у кейин орқасини ўгириб қочгани, шу билан яқин жойдаги, 200 метрлар масофа узоқликдаги амакиси Р.Мусаевнинг дала ҳовлисига киргани, акаси Қ.Холматовга кўнғироқ қилиб, уни Т.Мирзаевлар оиласи билан уришганини, уни келиб олиб кетишни сўрагани, орадан 20 дақиқалар вақт ўтгач, акаси Қ.Холматов амакисини ўғли Бобур билан бирга ўзига тегишли “Дамас” русумли автомашинада келишгани, шундан сўнг, уни машинага ўтиргизишгани, кейин улар Фарғона-Бешариқ йўли билан айланиб, Сарикўрғонни йўлига тушиб олиб, уйга кетаётган вақтда йўлни бўйида маҳаллага бурилишдан 20 метрлар узоқликдаги Ахрорнинг сомсахонаси олдида Т.Мирзаев, А.Актамов, И.Актамов, Т.Актамов ва З.Мирзаевлар туришган бўлгани, уларнинг “Киа Хюндай” кичик юк машинаси йўлни ўртасида уларга қарама-қарши йўналишда йўлнинг қатнов қисмида турган бўлгани, автомашина бошқарувида рулда ҳеч ким бўлмагани, Т.Мирзаевнинг оила аъзолари ерда ўтирган бўлгани, шундан кейин, акаси Қ.Холматов автомашина бошқарувида бўлганлиги учун, уни ҳолатини кўриб, Т.Мирзаев билан нимага бунчалик урганлигини гаплашиб олиш учун



сомсахонани ёнида тўхтагани, улар “Дамас” русумли машинада шу вақтда, у, акаси Қ.Холматов, амакисини ўғли Бобур бўлишгани, улар “Дамас” русумли машинадан тушиши билан акаси Қ.Холматовга А.Актамов ва И.Актамовлар қўлларида бўлган тошларни отишгани, у ҳам машинадан тушиши билан бетоннинг тагида бўлган тошни қўлига олиб отгани, шу вақтда З.Мирзаева ва А.Актамовлар қўлида 70-80 смлар узунликдаги таёқ билан келишганида З.Мирзаева уни “Хароми, падарингга ланат, чиябўрини боласи” каби сўзлар билан ҳақорат қилгани, кейин акаси Қ.Холматов “Дамас” русумли машинага ўтириб, тўғрига ҳаракатланиб, Т.Мирзаевларнинг “Киа Хюндай” русумли автомашинасининг ёнидан ўтиб, уларни машинада уйга олиб кетгани, машинада бўлган Бобур ҳам Т.Мирзаевлар тош отган вақтида, машинадан тушмай ўтиргани, ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, С.Холматовдан кечирим сўрагани, унга нисбатан енгиллик берилишини сўраб кўрсатма берди.

Гувоҳ А.Қодиров судда, Т.Мирзаев кўшниси экани, С.Холматов ҳам маҳалладоши бўлиб, улар бир-бирига узоқ қариндош экани, 2023 йил 6 август куни тушлик вақтида яшаш хонадонидида ухлаб ётган вақтда кўчада одамларнинг жанжаллашган овозлари, ғала-ғувурлари кўпайиб кетгани, орадан бир муддат ўтиб, тинчиб қолганидан сўнг, у ташқарига чиққани, ташқарига чиққан вақтда йўлнинг ўртасида Т.Мирзаевнинг “КИА” русумли юк машинаси турган бўлгани, шу ерда турган маҳалла одамлари машинани четроққа олиб қўйишни айтишгани, у ерда Т.Мирзаевнинг ўғли А.Актамов турган бўлгани, ундан машиналарини четроқ олиб қўйишни илтимос қилиб сўрагани, ундан калитини сўраганида, машинанинг ўзида эканлигини айтгани, уларнинг машинасини четроққа олиб қўйиб, унинг ёнига борганида, унга Т.Мирзаев кўнғироқ қилгани, уйига тезда етиб киришини айтгани, ўша куни Т.Мирзаев оиласи билан С.Холматовлар жанжаллашишганини кейин эшитгани, лекин жанжал ҳолатига айна гувоҳ бўлмаганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ З.Мирзаева судда, 2023 йил 6 август куни соат 12:30лар атрофида ўғли Т.Актамов телефон қилиб, қариндоши С.Холматов урганни айтганида, турмуш ўртоғи Т.Мирзаев билан бирга ўғлини олдида боришгани у ерда катта ўғли И.Актамов турган бўлгани, шу вақтда турмуш ўртоғи ҳам С.Холматовни олдида бориб ўғли Т.Актамовни сўраганида бирдан турмуш ўртоғи ва С.Холматовлар уришиб кетишгани, шундан кейин, уларни ажратиш мақсадида катта ўғли И.Актамовнинг дадасини тортгани, шу вақтида қайноғаси Э.Мирзаев ҳам қаердандир келиб қолиб С.Холматовни тортиб кетгани, шу вақти С.Холматов боғ қирғоғига яқинлашиб оёғи орқа томонида бошқа ер қолмаганлигидан тойиб, ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида боғ ичига тушиб кетгани, турмуш ўртоғи ҳам унинг орқасидан пастга боғ ичига тушгани, шу вақтда, С.Холматов қўлига таёқ олиб, турмуш ўртоғини икки маротаба ургани, дастлаб С.Холматов турмуш ўртоғини ўнг қулоғи билан ўнг елкасига ургани, сўнг С.Холматов қўлидаги таёқни шу ерга ташлаб, боғ ичи билан қочиб кетгани, кейин улар турмуш ўртоғи, ўғиллари И.Актамов ва Т.Актамовлар билан бирга уйга кетишгани, шундан кейин, катта ўғли И.Актамовнинг улар укаси А.Актамов билан сувга бориб келишни айтишгани, сўнг ўғиллари И.Актамов, А.Актамов ва Т.Актамовлар сувга “Киа” русумли юк машинасида кетишгани, орадан яна бироз вақт ўтгандан сўнг, Т.Актамов дадасига кўнғироқ қилиб, С.Холматовлар қўпчилик бўлиб, уларни ураётганлигини айтгани, кейин у турмуш ўртоғи билан бирга уйдан



сомсахонагача 400-500 метрлар масофагача бўлган жойга югуриб боришгани, у ерга етиб борганида, у ерда С.Холматов, Қ.Холматовлар тургани, С.Холматов улар яқинлашиб бораётганда, турмуш ўртоғига қаратиб тош отиб тургани, сўнг С.Холматов кўлида бўлган тошлардан бирини унга қарата отгани, шундан кейин жанжал тугаб, С.Холматов, Қ.Холматов ва жияни Бобурлар машинасида ўтириб кетиб юборишганини айтиб кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, суд судланувчилар Т.Мирзаев ва А.Актамов, С.Холматовларнинг айби, ўзларининг айбига иқдор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатуви, юзлаштириш баённомалари, экспертиза хулосалари ҳамда судда текширилган далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, судланувчи Т.Мирзаев ўзининг юқоридаги қасддан содир этган ҳаракатлари билан А.Актамов, Э.Мирзаев ва И.Актамов билан бир гуруҳ бўлиб, С.Холматовни уриб, унга унга ўртача оғир шикаст етказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми "и" бандида кўрсатилган жиноятни содир этишган.

Шундай қилиб, судланувчи А.Актамов ўзининг юқоридаги қасддан содир этган ҳаракатлари билан Т.Мирзаев, Э.Мирзаев ва И.Актамов билан бир гуруҳ бўлиб, С.Холматовни уриб, унга унга ўртача оғир шикаст етказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми "и" бандида кўрсатилган жиноятни содир этишган.

Шундай қилиб, судланувчи С.Холматов ўзининг юқоридаги қасддан содир этган ҳаракатлари билан Қ.Холматов билан бир гуруҳ бўлиб, А.Актамовни уриб, унга унга ўртача оғир шикаст етказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми "и" бандида кўрсатилган жиноятни содир этишган.

Суд судланувчи Т.Мирзаевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, судланувчилар ўзаро ярашиб олишганини, бир-бирларига нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд судланувчи А.Актамовга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, судланувчилар ўзаро ярашиб олишганини, бир-бирларига нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд судланувчи С.Холматовга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий



шароитини, судланувчилар ўзаро ярашиб олишганини, бир-бирларига нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Холматов Собиржон Зокиржон ўғли (Holmatov Sobirjon Zokirjon o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбли деб топилсин.

С.Холматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Учкўприк тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

С.Холматовга қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Мирзаев Тельманжон Актамович (Mirzayev Telmanjon Aktamovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбли деб топилсин.

Т.Мирзаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Учкўприк тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Т.Мирзаевга қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Актамов Авазбек Телмонжон ўғли (Aktamov Avazbek Telmonjon o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбли деб топилсин.

А.Актамовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, иш ҳақининг йигирма фоизи



миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ҳукмни ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Учкўприк тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

А.Актамовга қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Омонов

Нусхаси аслига тўғри:

А.Омонов

